

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 31-ҳадис

31 – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لِيَلِينِي مِنْكُمْ أَوْلُوا الْأَخْلَامَ وَالنَّهْيَ، ثُمَّ الَّذِينَ يُلُوتُهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга сизлардан етуклик ва ақл эгалари яқин турсин. Сўнгра уларга яқин келадиғанлар», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятлари ва раҳматларини кўрамиз. У зот саҳобаларига содда ва соғлом йўналиш (этика)ни ўргатмоқдалар. Яъни, Ислом динида барча ишлар, оддий кўринган амалларгача ўз таълими, одоби хусусида, масалан, овқатланиш, одамларга салом бериш, меҳмонларга иззат-икром кўрсатиш каби ҳаётнинг барча ўринларидаги ишлар ҳақидага зарур батафсил кўрсатмалар баён этилган. Исломдаги энг катта ибодат намозни адо этиш бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга ўтган вақтларида ортларида фикҳда, ақл ва Қуръон ҳифзида билимдон бўлган саҳобалари туришига кўрсатма бердилар. Токи бу зотлар ўзларидан ортда турганларга ҳам ўрнак бўлишлари лозим эди.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ислом барча ишларда тартиб ва қоидага асосланган диндир. Ўша тартибдаги ибодатлардан бири намоздир.
2. Фикҳ билимдонлари бевосита имомнинг ортида туради. Сўнгра бироз билимда пастроқлар туради. Бундан мақсад имом хатога йўл қўйса ёки ҳушдан кетиш ёки ўлим каби ҳодисалар юз берса, унинг ўрнига имомликка ўтиши учундир.
3. Илм аҳллари ва Қуръон ҳофизлари доим аввалги сафда турадилар.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI